

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

**«Хайвонлар касалликлари
ва паразитология» кафедраси**

**«5640100 –Ветеринария» таълим йўналиши кундузги бўлим
4-босқич бакалавриат битирувчиси**

ХОЖИҚУЛОВ ХАСАН НАҲАЛБОЙЕВИЧНИНГ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: «Ценурознинг эпизоотологияси, диагностикаси
ва қарши кураш чора-тадбирлари»**

**Илмий раҳбар:
доцент в.б.**

П.С.Хақбердиев

**Битирув малакавий иши муҳокома
қилинди ва ҳимояга рухсат берилди:**

Кафедра мудири, доцент

_____Б. Бакиров

Баённома №_____

«_____» _____ 2012 й.

**Ветеринария, зоотехния ва
қорақўлчилик факультети
декани, доцент**

_____Фармонов Н.О.

«_____» _____ 2012 й.

Самарқанд – 2012

М У Н Д А Р И Ж А :

I. Кириш.....	3
1.1. Мавзунинг долзарблиги.....	7
1.2. Мавзуни илмий- амалий асосланиши.....	8
2. Адабий манбаларнинг таҳлили.....	9
3. Шахсий тадқиқотлар.....	17
3.1. Тадқиқотларнинг материалари ва методлари.....	17
3.2 Тадқиқот натижалари	20
3.3. Олинган натижаларнинг таҳлили.....	21
3.4. Цестанли грануланинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.....	23
4. Чорвачиликда ишлаб чиқаришни ташкил этиш	
ва менежмент асослари.....	25
5. Ветеринария ишини ташкил этиш.....	37
6. Ҳаёт фаолияти хавсизлиги.....	44
6.1. Меҳнат муҳофазаси.....	44
7. Хулоса ва таклифлар.....	49
8. Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....	51
9. Иловалар ва интернет маълумотлари.....	55

I. Кириш.

Ўзбекистон Республикаси аграр соҳа тизимида сўнги йилларда чорвачиликка алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Республика Президенти И.А. Каримовнинг 2006 йил 23 – мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришнинг рағбатлантириш чорва – тадбирлари тўғрисида»ги П.Қ. – 308 ва 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачиликни кўпайтиришни рағбатлантиришни кўпайтиришни ҳамда чорвачилик махсулотларини ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш борасидаги кўшимча чора – тадбирлар тўғрисида»ги П.Қ. 842 қарорлари чорвачиликни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб, ҳисобланади. Ўтган йилга ғалла экинларидан мўл ҳосил олинishi эса чорва молларининг бош синини кўпайтиришга, уларнинг махсулдорлигини оширишга имкон беради. Аммо бундай ижобий ишларни тўлиқ рўёбга чиқаришга, юқоридаги барча имкониятлардан ташқари ушбу соҳани ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омиллар ҳам мавжуд. Улар жумласига қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида доимий учраб турадиган ва вақти– вақти билан авж оладиган турли паразитар касалликларнинг мисол келтириш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг таклифига асосан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида ягона имкониятини тўғдиради. Хусусий мулкчиликнинг устиворлигининг йўналтиришга қаратилган қонун ҳужжатларнинг такомиллаштириш ва бу борада ишончли кафолатларни таъминлашга тадбиркорликка кўпроқ эркинлик беришга кичик бизнес субъектларининг молия қридет ва хомашё ресурсларидан кенг фойдаланишни таъминлайди. Давлат назорат органининг тадбиркорлик субъектлари молия хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартиришга қартилган. Кичик корхоналар ташкил қилиш ҳамда кичик корхоналар ва тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш тартиб қоидаларни янада

соддалаштириш ҳамда бизнес субъектларини кўриш ва тадбиркорларга ер – участкаларини ҳал этиш бўйича аниқ чора тадбирлар ўтказиш белгиланган.

Бугунги кунинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўлларининг излашдан иборат. Ҳозирги вақта бир қатор етакчи таҳлил ва экспертлик марказлар глобал молиявий инқирози ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида қуйидаги хулосаларга келмоқда.

Табиийки бу борада келтирилган мисол ва рақамлар тобора чуқурлашиб бораёйган жаҳон молиявий инқирози маълумотимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушиниш ўта соддалик кечириб бўлмас ҳато бўлур эди. Мамлакатимизда иқтисодий инқирозни олдини олиш чора – тадбирларини ишлаб чиқиш бу жиддий синовни енгиш, ҳеч шубҳасиз, кўп жихатидан ҳаммамиздан аввало маъсулиятимизни теран ҳис қилишимиз бориша имконият ва ресурсларни ишга солишни талаб қилади.

2008 – йилда янги ички маҳсулотларнинг ўсиш суратлари 9 % ни, саноатда 12,7%ни ташкил этади. Иқтисодни бошқа муҳим тармоқлари ҳам бор, қатор сифатлар билан ривожланди. Қурилиш 8.3%, транспортда юк ва йўловчи ташиш ҳажми 10,2%, савдо соҳаси 7,2%, қишлоқ хўжалигида 4,5% ўсишга эришилди. Президент И.А. Каримов ўзининг «Жаҳон молиявий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралар» номи асарида жаҳон молиявий иқтисодий инқирозга қарши ишлаб чиқрилган дастурга қуйидаги асосий вазифани ҳал этиш кўзда тутилган.

Биринчидан – Корхоналарни модернизатция қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш замонавий мосланувчан технадлогияларни кенг жорий этиш.

Иккинчидан – жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорда рақобатбардош бўлишини кўллаб қувватлаш бўйича канкрет чора – тадбирларни амалга ошириш ва экспортни яратиш.

Учинчидан – Қаттий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулотлари таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобига корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш .

Тўртинчидан – электро энергетик тизимини модернизатция қилиш, энергия истемолини камайтириш ва энергиус тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш.

Бешинчидан – меҳнат бозорида талаб камайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқалий меҳоллий ишлаб чиқаришларни кўллаб қувватлаш.

Республикамизда чорвачилик қишлоқ хўжалигининг етакчи сахаларидан бири бўлиб, ақолини озиқ – овқатлари билан таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Президент томонидан чорвачилик соҳасининг ривожлантириш бўйича муҳим қарорларни қабул қилиши, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликнинг ривожлантириш ҳукумат дастурлар асосида олиб бораётганлиги туфайли соҳада чорва моллари сонининг кўпайтириш уларнинг насилдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини ортиши провордида истеъмол бозоридаги нарх барқарорлигини сақланиб қолмоқда.

Юртимизда аграр соҳанинг бозор муносабатларини қарор топтиришга қаратилган иқтисодий ислохатлар изчиллик билан амалга оширилади. Бу борада давримиз раҳбари томонидан «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришнинг рағбатлантириш чора – тадбирлар тўғрисида»ги 2006 йил 23 – мартда қабул қилинган 308 – сонли ҳамда «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кўпайтиришни ҳамда чорвачилик

махсулотларини ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш борасидаги қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 21 апрелда 842 – сонли қарорлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида вазирлар маҳкамаси томонидан 2009 – 2011 йилларда чорвачиликни ривожлантириш, қарорлари бош сонини ва махсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан Республика дастури ишлаб чиқарилди. Чорвачилик, балиқчилик ва асаларичиликни янада ривожлантиришга йўналтирилган қатор қарорлар қабул қилинди.

Республикада чорвачилик соҳасининг ривожлантириш асосан уч йўналишда амалга оширилмоқда.

Биринчидан – Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини сонини кўпайтириш мақсадиди қорамол сотиб олиш микрокредитлар яратиш, турли ташкилотлар қошида қорамолчилик, паррандачилик ва асаларичилик ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш.

Иккинчидан – чорвачиликда насилдорчилик ишларини яхшилаш мақсадида четдан касал моллар келтириш, зооветеринария пунктлари сонини кўпайтириш орқали сервис хизматларини янада ошириш.

Учинчидан – озиқа базасини яхшилаш учун мавжуд озиқа экинлари майдонларидан унумли фойдаланиш. Аҳоли ва фермер хўжаликларида омихта ем ва бошқа озуқа махсулотларини махсус шаҳобчалар орқали етказиб бериш.

Хозирги кеча – кундузда Республикада қорамоллар сони 8,5 млн бош бўлиб, охириги 5 – йилда 2,6 млн. Бошқа ёки 45 % га кўпаяди. Шундан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида эса 200000 бошга 38 % га, фермер хўжаликларида эса 62 % га ортди.

Қўй ва эчкилар сони 14.4 – млн бош бўлиб, шу йиллар давомида 4,5 млн бошга ёки 45% га, шундан аҳоли ва деҳқон хўжаликларида 3,6 млн бошга ёки 65 % га, фермер хўжаликларида 678. 000 бошга ёки 35 % га кўпаяди.

Паррандалар бош сони 33 млн бони ташкил этиб, 14,2 млн бошга ёки 1,7 орти, шундан оҳоли ва деҳқон хўжаликларида 2,7 млн ёки 4,3 марта ортиди. Ўртача йиллар мобайнида зооветеринария сервис хизматларини кенгайтириш мақсадида 791 та махсус пункт ташкил этилиб, ҳозирда уларнинг сони 2443 тага етказилди. Бу давирда тўлиқ хизмат кўрсатиш даражаси 6 баробар ошди, сизир ва таналарни уруғлантириш 10 баробарга кўпайди.

Республикаимиз чорвачилигини ветеринария мақсадлари учун ишлатиладиган доридармонлар билан таъминлаш ишларини 670 та фирма ва хусусий ветеринария аптекалари бажармоқда. Улар томонидан 740 дан ортиқ, жами 3,5 миллиард сўмлик ветеринария дори – дармонларисотилган. Бундан ташқари аҳоли қарамғида чорва моллари сонини кўпайтириш ва аҳоли банлигини ошириш мақсадида сўнги 4 йилда четдан қора моллар сотиб олиш учун 125,6 млрд сўм миқдорда микрокредитлар ажратилади. Паррандачилик фермер хўжаликлари сони охириги 3 йилда 370 тага ошиб жами сони 677 тага етказилди.

Қорамолчилик тармоғида 2011 йил 1 – январ ҳолати 8:911 минг бошга етди. Шу жумладан, сизирлар 2982,5 минг бошдан 3680,2 минг бошга (123,4 %), кўй эчкилар 15112 минг бошга (126 %), паррандалар 37,686,5 минг бога (156 %) кўпайди. Провардида чорвачилик махсулотлари, жумладан трик вазинга гўшт ишлаб чиқариш 15694 минг таннага (126,2 %), тухум 3060,8 млн донага (144%) га ошди.

1.1. Мавзунинг долзарблиги.

Ценуроз – кенг тарқалган цестодоз касалликлардан бири бўлиб, Республикаимизнинг кўйчилик тармоғига катта зиён етказиб келмоқда. Ҳар йили туғилаётган кўзиларнинг 8-12 фоизи касалликка чалинади, уларнинг 69 фоизидан кўпроғи нобуд бўлса, қолганлари мажбуран сўйилади. Мажбуран сўйилган кўзиларнинг тирик оғирлиги 13- 15 кг дан ошмайди, гўшт чиқими эса ўртачадан паст ёки ўта ориқ семизликда бўлади.

Ценуроз касаллигини даволаш усули ишлаб чиқилмаган, жарроҳлик усули эса амалиёт шароитида қўлланилмайди, қўлланилган тақдирда ҳам ҳамма вақт ижобий самара бермайди. Ценурозга қарши курашишнинг бирдан-бир йўли – бу профилактик тадбирдир.

Ценурозни тарқалишида асосий ўринни ит ва бошқа гўштхўр ҳайвонлар эгаллайди. Ҳозирда ит ва бошқа гўштхўр ҳайвонларни тениидларга қарши гельминтсизлантиришда бир қанча антгельминтикларо тавсия этилганлигига қарамай гельминтсизлантириш тадбирлари жойларда режа асосида олиб борилмаяпти.

1.2. Мавзуни илмий- амалий асосланиши.

Юқорида келтирилган адабий манбаларнинг тахлили шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг ценуроз касаллиги бу кенг тарқалган ва катта иқтисодий-ижтимоий зарар келтириётган гельминтоз касалликлари қаторига киради. Бу муаммонинг долзарб тамони шундан иборатки, ценуроз касаллигини ҳанўзгача даволаш усуллари ишлаб чиқарилмаган. Ценурозга қарши курашишнинг бирдан-бир йўли бу профилактик тадбирлардир. Маълумки ценуроз ва бошқа ларвал цестодозларни кенг тарқалишига асосий ўринни ит ва бошқа гўштхўр ҳайвонлар эгалллайди. Ҳозирда ит ва гўштхўр ҳайвонларни тениидларига қарши гельминтсизлантириш тадбирлари жойларда режа асосида мунтазам равишда олиб борилаяпти. Шуларни инобатга олиб бизлар ўз олдимизга қуйидаги вазифаларни мақсад қилдик:

- Ценурозни тарқалиш даражасини Республикамизнинг аниқ бир туман ёки шаҳарига ўрганиб чиқиш.
- Итларни тениидлар билан зараланишини аниқлаш.
- Ценурозга қарши ишлаб чиқилган вакцинани синаб кўриш.
- Синаб кўрилган вакцинанинг самарадорлигини ишлаб чиқиш.

2. АДАБИЙ МАНБАЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.

Ценуроз – инвазион касаллик бўлиб, *Multiceps* (Goeze 1782) авлодига кирувчи цестодаларнинг личинкалик формалари (ценуралари) чақиради. Ҳайвонларда асосан, *Multiceps* авлодининг иккита вакили – *Multiceps multiceps* (Leske, 1790) ва *M. skriabini* (Popov, 1937) лар паразитлик қилади.

Бош мия ценурози (гирра, айланчиқ, тентак) – цестодоз касаллиги бўлиб, қўй, ечки, қорамол, йилқи, туя, шимол бугуси, як ва оққуйруқ (сайғоқ) ланинг асосан бош миясида, баъзан эса орқа миясида *Coenurus cerebralis* нинг личинкалик формаларининг паразитлик қилиш оқибатида келиб чиқади. *M. Multiceps* (Leske, 1790) нинг вояга етган турлари эса ит ва бўриларнинг ингичка бўлим ичакларида паразитлик қилади.

Тарқалиши. Ценуроз Европа, Осиё, Африка ва Америка мамлакатларида тарқалган. Совет иттифоқида нотекис тарқалган бўлиб, Ўзбекистон жумҳуриятининг асосан қўйчилик ривожланган вилоятларда кўп учрайди. Ўзбекистонда *M. Multiceps* (Leske, 1790) ни илк бор рус сайёҳи А.П.Федченко итларда учратган.

Касаллик қўзғатувчисининг тузилиши. Цестода (стробила) тасмасининг узунлиги 40-100 см бўлиб, 5мм энлиликдаги 200 – 250 бўғиндан ташкил топган. Ноксимон сколекси 0,8 мм диаметрга эга. Кам ривожланган хартумчасининг диаметри 0,3 мм ва икки қаторда жойлашган 22 – 32 тагача илмоқчалар билан қуролланган.

Coenurus cerebralis нинг личинкалик босқичи одатда юмалоқ ёки овалсимон шаклдаги йирик ценураларга эга. Ценураларнинг пардаси тиник бўлиб, герминтатив қобиқнинг ичида кўплаб сколекслар бўлади. Ценураларнинг ичида рангсиз суюқлик бўлиб, уларнинг катталиклари турли хил. Мияда жойлашувига ва ҳайвон турига боғлиқ ҳолда улардаги суюқлик миқдори 150 – 200 мл етади. Сколекслар тўда – тўда бўлиб розеткасимон, кўпчилик ҳолларда ценуранинг бир тамонида жойлашган. Улар тескари қайрилган ҳолда бўлиб, 4та сўрғичи ва жуфт илмоқчаси бўлади.

Ривожланиши. Асосий (дефинитив) хўжайин - итлар, бўрилар, шоғоллар, енотсимон итлар ва тулкилар ҳисобланади. Тулкиларда мультицеслар кам учрайди.

Битта асосий хўжайиннинг ингичка ичагида биттадан бир неча юзтагача стробила тасмалари бўлиши мумкин. Ҳар бир стробила бир сутка давомида ўзида кўп миқдордаги тухум (онкосфера) сақловчи 4 – 6 та етук бўғин ажратади. Ахлат билан ташқи муҳитга тушган тухумларини нг пўстлоғи емирилиб, яйловлар, тўшамалар ва сувлар онкосфера билан зарарланади.

Онкосфералар шарситмон бўлиб, уларда олтита ҳаракатчан муртак (эмбрион) илмоқчалари мавжуд. Улар (онкосфералар) ташқи муҳит таъсирига бардошли бўлиб, узоқ вақт сақланади. Сув ва озик моддалар билан ҳайвон ва одам организмига тушган онкосфераларнинг пардалари хазм организмларининг ферментлари таъсирида емирилади. Озодликка чиққан онкосфералар илмоқчалари ёрдамида ва протеолитик ферментлар таъсирида ичак деворларига кириб, ундан, қон томирларига тушади. Сўнгра қон оқими билан ҳаракатланади ва фақатгина бош ёки орқа миёга тушганлари личинкалик босқичига тараққий этади. Миёга тушганлари маълум ҳаракат (миграция) дан кейин чўкади ва ўсиб ривожланиб ценурага айланади. Ценураларнинг ўсиш тезлиги оралик хўжайинининг ёшига ва ҳолатига боғлиқ ценуралар 3 ойлик ривожланишдан кейингина итларни зарарлай оладилар.

Асосий хўжайин юқоридагидек инвазияланган миёни еб зарарланади. Мультицепсларнинг итлар ичагида яшаш муддати 6 –8 ой, лекин баъзан 1,5 – 2 йилгача давом этади.

Эпизоотологияси. Касалликнинг мавсумийлиги иқлим шароитига ва чорвачиликни юритишга боғлиқ бўлади. Қорақалпоғистонда ҳайвонларнинг энг кам зарарланиши қиш фаслига тўғри келса баҳорда эса касаллик 2 – 3 марта кўпаяди. Ёз мавсуми бошланиши билан касал ҳайвонлар сони ортиб, кузда яна камайиб боради.

Ўзбекистонда асосан жорий йилда туғилган ёш моллар зарарланади. Касаллик улар орасида ўткир оқимда кечиб, май – июнда кўп учрайди. Касалликнинг охирги формаси 2 ёшгача бўлган моллар орасида бутун йил давомида кўпроқ ноябрь – март ойларида учрайди.

Клиник белгилари. Қоракўл кўйларида 3 босқичда номоён бўлади. Биринчи босқич зарарлангандан 10 – 15 кун ўтиши билан бошланади. Бу белгилар қон билан актив ҳаракатланиб, ёш ценура муртаклари мияга тушганда пайдо бўлган яллиғланиш натижасида билинади.

Биринчи босқичдаги белгилар касал ҳайвоннинг асаб системаси издан чиқиши билан ҳарактерланиб, ҳар беш бош молдан бирида сезилиши мумкин. Касал кўйдан мудраш довдираб юриш, отардан ортда қолиши, иштаҳасизланиш мажбурий ҳаракатланиши, кўз шиллик пардасининг кизариши, бефарқлик, бош суяги бўлимида ҳароратнинг ошиши каби белгилари кузатилади. Ҳайвон баъзан асабийлашади, шунингдек, қўрқок бўлиб қолади, ҳар тамонга қараб мақсадсиз югуради, жойида спинади, бир нуқта атрофида айланиб, тез – тез тшқишиб йиқилади, довдираб талвасаланади. Одатда бу ҳолат бир – икки ҳафтадан кейин ўтиб кетади. Айрим ҳолларда касал ҳайвонларнинг йигирмадан бир қисми ўлиши мумкин.

Иккинчи босқич ценура пуфагининг сиши билан боғлиқ бўлиб, 3 – 6 ой давом этади. Бу давр мобайнида ҳайвон соғломдек кўринса – да тикилинч ва дим биноларда паст реакция эканлигини сезиш мумкин, тоза ҳавода эса ўзини яна ўнглаб олади.

Учинчи босқичда мия тўқимаси ценура пуфагининг катталашувидан емирилади ва бу ҳолат бир ёки бир неча ой давом этиб, ҳайвон ориқлайди ва нобуд бўлади. Касал кўйнинг телбаланиши, отардан ортда қолиши, довдираб одимлаши, кўп қоқилиши, бошининг осилиши каби аломатлар бу босқичнинг ҳарактерли белгилари ҳисобланади. Шунингдек ҳайвон бефарқ камҳаракат,

бекорга айланадиган, тишларини ғижирлатиб, кўп сўлак ажратадиган бўлиб қолади.

Мажбурий ҳаракатлар ценура пуфагининг мияда жойлашувига қараб хилма – хил бўлади. Касал ҳайвон айланма, гоҳ эса у ёки бу ёққа ҳаракат қилади, бошини осилтириб ёки ўта кўтариб юради. Баъзан ҳайвоннинг кўриш қобилияти пасайиши ёки йўқолиши мумкин.

Айрим ҳолларда ценура пуфагининг босими таъсирида миянинг қопловчи суяклари юпқалашиши мумкин. Уни пайпаслаганда яхши сезилади. Ўша жойни босганда эса қўй чўқади ва йиқилиб унда талвасаланиши ҳолати бошланади.

Паталогоанатомик ўзгаришлар. Жасад оғриқ консизланган, ички органларида ценурозга хос белгилар кузатилмайди. Характерли белгилар бош мияда учрайди.

Биринчи босқичда миянинг бўртиқ юзаси эгри бугри бўлиб унда бир мм диаметридаги йиринг – қонли сарғиш тасма учрайди. Унинг атрофидаги каттиқ парданинг ички юзасидан йиринг – фибринли қатлам ҳосил қилган бўлади.

Мия тўқималари ва томир боғламчаларида кам ёки кўп миқдорда қон қуйилиш, мия қоринчаларида лойқаланган суюқлик тўплаганлиги қайд этилади.

Учинчи босқичда ўлган ҳайвонлар бош миясида эса катталиги каптарнинг тухумидан тортиб товук тухумича келадиган битта баъзан иккита овалсимон пуфак топилади. Бош мия атрофияга учраб, ценурапуфаги яқинидаги қисмлари кичик доналар ёки қизғиш аталасимон моддага айланиб, зичлашиб қолади. Кўп ҳолларда битта, баъзан ҳар иккала ярим шарлар атрофияга учрайди. Айрим ҳолларда ценура пуфаги ўзини қоплаб турган суяк қопламасини тешиб юбориши ҳам мумкин.

Диагноз қўйиш ва уни фарқлаш. Диагноз қўйишда ипизитологик маълумотлардан касал хайвоннинг ёши, йил фасли, ўтган йилда инвазиянинг яъни бўлган – бўлмаганлиги ҳисобга олинади.

Г.И.Ронжина тамонидан (1940) илк бор аллергин сифатида сколикс ёки ценура пуфаги пардасидан тайёрланган эмульсия, яна бир хисса модда ва 20 хисса 1% ли ош тузи эритмаси ҳамда стериллаб олинган 1:10 нисбатда 0,5% ли фенол билан концентрланган ценура суюқлиги яратилди.

Шу нуқтаи-назардан тадқиқотчилар итларни гельминтсизлантириш мақсадида янги фойдали, зарасиз ва чорвачилик шароитига мос антигельминтиklar излашда кўп йиллардан бери тадқиқотлар олиб борилмоқдалар. Натижада юзлаб антгельминтиklar ишлаб чиқаришга тавсия этилади ва уларнинг айримлари ҳозиргача ўз моҳиятини йўқотгани йўқ. Буларга асримиз бошларига итларнинг ушбу касалликларига қарши камала, кастар мойи, анорнинг пўсти, бромли водород ареколини ва бошқа кимёвий ва табиий дориворлар мисол бўлади. Итларни гельминтсизлантиришда кимёвий воситаларни қўллаш тўғрисида Ниеманд (1914) ўзининг ишларида маълум қилади. Унинг маълумоти бўйича камала 2-15 г 1 бош хайвонга яхши самара беради. Муаллиф яна итларнинг эхинококкозини даволашда ёнғоқ, камала, ва кастар мойидан 1 грдан желатина капсулага солиб, 50-150 гр анор пўстлоғини ва 25-50 гр кастар мойига 1-4 гр солиб берилганда яхши самара олган. Барча ҳолатларда хайвонларга дорилар уларни бир сутка оч қолдирилганда сўнг берилади. Улардан аксарияти тажрибада ўз ўрнини топмади. Фақатгина бромли водород ареколин препарати ўз қиймати ҳозиргача сақланиб, деярли ҳамма давлатларда қўлланиб келинмоқда. Кейинги йилларда препаратнинг кимёвий усул билан тайёрланган нусхаси ишлатилмоқда.

Препарат 1921 йилдан бери қўлланиб келинишига қарамасдан (Интетс 1921) уни ҳозиргача қўллаш миқдори ва усуллари такомиллаштирилиб

келинмокда. Ареколинни юқори самара бериши ҳақида Налл, Росс, Р.Груз, Н.Р.Орлов ва З.Р.Канява ва А.М.Петровлар ҳам шу хулосага келдилар. Ареколинни озуқага қўшиб берилиши, жумладан гўшт қиймасига аралаштирилиб берилиши З.И.Раевская, В.И.Пухов ва бошқалар, П.Кодно ва Ф.Бретон, А.И.Аргунов ва В.И.Бергонаский, М.А.Куршийлар тавсия этганлар, препарат 1-2 мг 1 кг тана оғирлигига 18-24 соатлик оч қолдирилгандан сўнг берилганда итларнинг барча цестодларига, жумладан эхинококкларига юқори самара беради. Бирок, айрим муалифлар (А.И.Аргунов ва Б.И.Берганский) нинг такидлашича итларнинг эхинококкозига қарши 1 марта гельминсизлантириш, уларни паразитлардан тўлиқ озод бўлишини таъминлай олмайди деган хулосага келишди. Кейинчалик А.Ф.Носик итларни ареколин билан 2 марта гельминтсизлантирди. Бунда ареколон 2 мг/ кг тана оғирлигига 10 кун оралатиб қўлланилди. Ареколин берилгандан сўнг эркак папоротник экстракти (ЭМП) 0,2-0,3 г/кг микдорда ёки филиксан 0,1-0,5 г/кг тана оғирлигига қўлланганда 100 % самарадорликка эришди.

Ареолин препаратнинг афзаллигини ошириш ундан фойдаланиш усулларига боғлиқ. Жумладан А.М.Аминжонов ва бошқалар (1984) итларни гельминтлантириш жараёнини тезлаштириш усулини тавсия этади. Бу усулга кўра ареколин итга ҳар кг вазнига 5 мг дан 30-40 минут оралик билан 2 марта едирилади. Натижада итлар организмидан гельмиентлар тўлиқ чиқади. Ушбу усул ишлаб чиқариш шароитига мос келганлиги туфайли ҳозирда кенг қўлланилмокда.

И.Х.Эргашев ҳаммуалифлари билан бирга ареколинни (1989) кимёвий ва озуқа моддалари билан бирга гранула шаклида фойдаланишини тавсия этди ва бу усулни натижаси 100 % га тенг бўлди. Тадқиқотчилар томонидан итларни цестодларига қарши ареколин препаратидан ташқари кимёвий моддалар ва антрактантлар ҳам қўлланган ва улардан аксарияти яхши натижалар берган. Шулардан бири фенасал ҳисобланади. Режвес, Гругар ва

бошқаларнинг далиллари бўйича цестодларга қарши фенасалнинг миқдори ҳайвоннинг ҳар бир кг вазнига 300 мгдан кам бўлмаслиги лозим. Препарат эхинококкозга қарши қўлланилганда, унинг миқдорини 500 мг/кг га кўпайтиришни Бабос ва бошқалар таъкидладилар.

Ўзбекистон ҳудудида В.М.Содиқов ва бошқалар, Н.М.Матчанов, С.К.Пармоновалар, Қозоғистонда В.Т.Рамозонов тамонидан олиб борилган тадқиқотлардан маълумки, препаратни итларнинг ҳар бир кг тирик вазнига 100-200 мг миқдорда қўлланилганда вояга етмаган эхинококкларга деярли тасир етмайди. Уларнинг фикрича вояга етмаган паразитлар учун дорининг миқдори 200-300 мг кг дан кам бўлмаслиги керак. Фенасал препарати юқори самара бериши ва токсик таъсири жуда кам оз миқдорини ташкил этишга қарамасдан ҳайвон организмига юборишда бироз қийинчиликлар мавжуд. Бу ҳам бўлса фенасалнинг сувда эримаслиги ва даволовчи доза миқдорининг кўплигидир. Шуларни инобатга олиб ушбу препарат билан итларни гельминтсизлантириш тадбирларини янада такомиллаштириш зарурияти туғилади.

Собик Иттифокда дронцит препарати қайта синтез қилинди ва унга азинокс номи берилди. Азинокс 5 ва 7 бор кўп миқдорда итларнинг цестодларига синалганда маълум булдики, итлар 6 ойгача қайтиб касалликларнинг қўзғатувчилари билан зараланмайдилар. (М.Н.Беломсов, В.Б.Ястров) ва бошқалар (1990).

П.С.Ҳақбердиев (1990) тамонидан итларнинг эхинококкларига қарши бир қанча препаратлар лабаротория шароитида синалди. Ушбу препаратлардан цестан, Cestel, 3 фоизли мебендазол ва 8 фоизли дисалан препаратлари эхинококкларга қарши курашишга юқори даражада самара беради. Жумладан, цестан ҳар бир кг вазнига 50 мг миқдорда қўлланилганда итларни эхинококклардан 100 фоизга озод этди. Cestel препарати 3-5 мг/кг миқдорида, 8 фоизли дисалан 8-15 мг/кг миқдорда қўлланилганда итларни паразитлардан тўлиқ холи этди.

П.С.Ҳақбердиев (1995, 1997, 2007) олиб борган тадқиқотлари натижасида кимёвий полимер қобиғли ва хуштаъм берувчи цестанли (хлорокись медь) грануланинг бир қанча варианлари ишлаб чиқилиб итларнинг тенидларига қарши синовдан ўтказилди. Охирги вариантыни эса синаб кўрилганда унинг самарадорлиги 88-95%-ни ташкил этган.

Шуни алоҳида такидлаш лозимки, П.С.Ҳақбердиев цестанли гранулаи тайёрлашда Эргашев И.Х.ва бошқалар (1989) тамонидан тавсия этилган ва амалиётда жорий қилинган ареколин грануласини тайёрлаш схемасини асос қилиб олган.

Юқорида келтирилган адабиётларнинг қисқача тахлилидан маълум бўлмоқдаки, итларнинг цестодларига қарши тавсия этилган самарали препаратларнинг аксарияти чет эл давлатларининг маҳсулоти бўлиб, кўпинча чорва фермасига етиб келмайди ва уларнинг нарзи қиммат. Шунинг учун янги препаратларнинг ёки маълум антегельминтиklarнинг қўллаш усули янда такомиллаштириш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш масаласи долзарб муаммолардан ҳисобланади.

3. ШАХСИЙ – ТАДҚИҚОТЛАР.

3.1. Тадқиқотлар материаллари ва методлари.

Тадақиқот ишларимиз Қўшработ тумани Қўшработ ширкат хўжалиги худудида жойлашган “Қийқим”, “Оқ-тепа”, “Кесовли”, “Шавона”, “Тўлабости”, “Қовунчи” ва “Чорлоқ” қишлоқларида олиб борилди.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларни ларвал цестодлар билан зарарланиш даражасини аниқлаш мақсадида юқорида кўрсатиб ўтилган қишлоқларда сўйилаётган қорамол, қўй ва эчкиларнинг ички органлари текширувдан ўтказилди.

Жами бўлиб 105 – бош қорамол, 103 – бош қўй ва 58 – бош эчкиларнинг ички паренхиматоз органлари ва калласи текширувдан ўтказилди. Текшириш жараёнида топилган цестодларнинг турлари, уларнинг морфологик ҳолатига аҳамият берилди.

Итларни цестодлар билан зарарланишини аниқлаш мақсадида, уларнинг тезаклари гельминтоскопия (кетма – кет ювиш усули) ва гельминтоскопия (Фюллборн усули) усуллари билан текширувдан ўтказилди.

Гельминтоскопия (кетма – кет ювиш) усулини бажариш қуйидагича:

Бунинг учун текшириладиган тезак челақ ёни идишга солиниб, устидан сув қуйилгач, яхшилаб аралаштирилиб тиндирилади. Сўнгра суюқ қисми бошқа идишга қуйилади, чўкмасининг устига эса тоза сув қуйилади, ва аралаштирилади. Бу муолажа тиниқ чўкма ҳосил бўлгунча такрорланади.

Сўнгра чўкмага озгина сув қўшилиб диққат билан текширилади. Лаборатория шароитида макрогельминтоскопия усули нисбатан кам қўлланилади, аммо гельминтовоспоия текширишда асосий ўринни эгаллайди.

Фюллербори усулни бажарилиши қуйидагича:

Гельминт тухумларининг суяқлик юзасига қалқиб чиқиши учун ош тузининг тўйинган эритмаси ишлатилади, (солиштирма оғирлиги 1,18 га тенг). У қуйидаги тартибда тайёрланади: қайнатилган сувга тўйинган эритма хосил бўлгунча ош тузи солинади. Бунда тузнинг эритмаси қолган қисмлари чўкмага тушиши керак. Хосил бўлган бу эритма пахта ёки дока орқали бирор бошқа идишга сузиб солинади ва совитилади. Ушбу эритмани тайёрлаш учун 1 литр сувга 380 г ош тузи солинади.

Текшириш учун 5 – 10 г тезак солиниб, угирчага ёки сетаканга солиниб, олдин ош тузининг тўйинган эритмаси билан аралаштирилади, сўнгра эритма 1 қисми тезакка 20 қисм бўлгунча қўшилади. Ҳосил бўлган аралашма шиша ёки ёғоч таёқча билан аралаштирилиб, симли тўрдан ёки докадан стаканга суздирилади. Мазкур аралашма 30 – 40 минут тинч холда қолдирилиб, тиндирилади. Сўнгра ош тузининг тўйинган эритмаси бетига қалқиб чиққан гельмент тухумларининг юпқа пардаси сим илмоқча ёрдамида олиниб, буюм ойнаси устига томизилади ва усти қоплагич ойна билан қопланиб микроскоп остида текширилади. Намуна тез қуриб қолиши мумкин шунинг учун ҳам уни тайёрлаш биланок, дарҳол текшириш зарур. Намуна тез қуриб қолиши мумкин шунинг учин ҳам уни тайёрлаш биланок дарҳол текшириш зарур. Намунани қуриб қолмослиг учин қоплоғич ойна остига пипетка билан сув ёки тенг қоплагич ойна остига пепитка билан сув ёки тенг миқдорда сув билан глицерин аралашмаси томизилади. Симли илмоқлар ишлатилгандан сўнг спиртли лампа алангасида қуйдирлади.

Фюллеборн усули билан ош тузининг тўйинган эритмасига нисбатан оғирлиги енгил бўлган гельминт тухумлари (аскарида странгилят ва бошқа нематода ва цестода тухумлари) топиш мумкин. Солиштирма оғирлиги эритма солиштирма тухумлари (трихоцефалалар, метастронгилидлар, капилярий тухумлари)ни аниқлаш бирмунча қийин ва

солштира оғирлигига нисбатан оғир булган гельминтлар (тремотодлар) тухумлари бу усул билан топиб бўлмайди.

3.2 Тадқиқот натижалари.

«Қўшработ» ширкат хўжалиги худудида жойлашган аҳолининг итларини тениидлар билан зараланиши даражасини аниқлаш натажалари № 1 жадвалга келтирилган.

Текширувдан ўтказилган 121 бош итларни 59 бош ёки 38,0% цестодлар билан зараланганлиги аниқланди. Ширкат хўжалиги худудидаги қишлоқларнинг орасида текширувдан ўтказилган итларнинг цестодлар билан энг юқори зараланиши «Кесовли» қишлоғидаги аҳолининг итларида

Жадвал № 1.

Тадқиқот ўтказилган жой	Текширилган итлар сони	Шундан		Зарарланган итлар	
		Кетма-кет	Фюллеборн	Сони	Фоизи
Қийқим	21	11	10	8	38,1
Оқ-тепа	19	9	10	8	42,1
Кесовли	13	7	6	6	46,1
Шавона	18	10	8	7	38,9
Тўлабости	17	8	9	5	29,4
Қовунчи	16	7	9	5	31,25
Чорлоқ	17	7	10	7	41,1
Ж а м и:	121	59	62	46	38,0

кузатилди. Бунда итларнинг зараланиши 46,1% ташкил қилган бўлса, энг паст зарарланиш кўрсаткичиёса Тўлабости қишлоғидаги аҳолининг шахсий итларида кузатилди. Бунда текширувдан ўтказилган 17 бош итларнинг 5-бошида ёки 29,4% да цестод тухумлари (онкосфераси) топилди.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики “Қўшработ” ширкат хўжалиги ҳудудида яшовчи аҳолининг 38% итлари цестодлар билан зарарланганлиги аниқланди.

Шунингдек, навбатдаги босқичда Қўшработ ширкат хўжалигидаги 7 та қишлоқ аҳолисининг 180 бош қўзилари (2011 йилги қўзилар) ценурозга қарши вакцина билан эмлаб чиқилди ва кузатув олиб борилди. Кузатув натижалари № 2 жадвалга келтирилган.

Жадвал № 2.

Қишлоқ номи	Эмланган қўзилар сони	Кузатув натижалари										
		VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	I	II	III	Жами
Қийқим	37	1								1		2
Оқ-тепа	19								1			1
Кесовли	22	1						1				2
Шавона	17											-
Тўлабости	23									1		1
Қовунчи	29										2	2
Чорлоқ	33	1								1	1	3
Ж а м и:	180	3						1	1	3	3	11

Эмлаган қўзиларни ҳар ойда бир маротаба текширувдан ўтказилди. Бунда қуйидаги натижалар олинади. Июнь ойидаги килиник кекширувда эмланган қўзилардан 3 боши (Қийқим, Кесовли ва Чорлоқ қишлоқларидан бир бошдан) ценуроз касаллигига чалинганлиги аниқланди. Бу бизнигча қўзилар эмлангунча касаликка чалинган, зарарланган бўлиши керак, шунинг учун эмлагандан бир ойга яқин муддат ўтиши биланок ценуроз касаллигига чалинди. Ушбу касаллика чалинган қўзиларни сўйиб бош мияси текширувдан ўтказилганимизда бош миясида ҳеч қандай ценур пуфаклари

топилмаган бўлсада, лекин онкосфераларнинг ҳаракати ва бош миянинг каттик қисмида яллиғланиш жараёнини ҳосил бўлганлигини аниқладик.

Қузатувларимизнинг июль- ноябрь ойларида эмланган қўйлар орасида ценурозга ҳос ҳеч қандай касал қўзилар учрамади. Бироқ, декабрь ойида Кесовли қишлоғидан эмланган қўзилардан бир боши, январь ойида – Оқ-тепа қишлоғидан 1-бош қўзи, февраль ойида Қийқим, Тўлабости, Чорлоқ қишлоқлардан бир бошдан, жами 3-бош қўзи ва март ойида Қовунчи қишлоғидан 2-бош ва Чорлоқ қишлоғидан 1-бош қўзилар касалликка чалинди.

Шундай қилиб, жами бўлиб 180 бош эмланган қўзилардан 11 боши агарда, июнь ойида 3 бош қўзиларни инобатга олмасак 8-боши касалга чалинди. Вакцинанинг самарадорлиги 95,6%ни ташкил қилди, бу албатта юқори кўрсаткич бўлиб, амалиёт талабини тўла қондира олади деб ўйлаймиз.

3.3. Олинган натижаларнинг таҳлили.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг ларвал цестодозлари, жумладан ценуроз касаллиги Республикамизда кенг тарқалган касалликлардан ҳисобланади ва бу касаллик чорвачиликда, айниқса қўйчилик тармоғида катта иқтисодий зарар келтиради. Республикамизда ҳар йили ўрта ҳисобда 8-12% қўзилар касаллага чалиниб, мажбуран сўйилади ёки нобуд бўлади.

Итларнинг тениидоз касаллиги ҳам кенг тарқалган гельминтоз касалликлари қаторига кириб, унинг долзарблиги, хавфлилиги шундан иборатки тениидлар билан зараланган итлар қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ҳамда одамларни ўта хавфли, давосиз касалликлари ҳисобланган эхинококкоз ва ценуроз касалликларига чалинишларига асосий сабабчиларидир.

Бизнинг текширувларимизда итларнинг тениидлар билан зарарланиш 38,0% ни ташкил қилади. Худди шунга ўхшаш кўрсаткичларни Ҳақбердиев. П.С. (2006), Ҳақбердиев. П.С., Қудратов (2009), Содиқов. А. (2009),

Ҳақбердиев. П. С., Қосимов. Б. (2010) ўз текширувларида ҳам қайд қилганлар.

Шундай қилиб, олиб борилган текширувлар ва адабий маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, охириги 10-15 йил довомида итларнинг тениидлар билан зарарланиши Республикамизда бир меъёда сақланиб келмоқда.

Ценуроз касаллигининг олдини олишда Аминжонов.М.А. ва бошқалар (1991) томонидан яратилган вакцина юқори самадорликка эга. Буни муаллифларнинг ўзлари бир неча мартаба ўз тажрибаларида исбот қилишганлар. Бироқ, охириги йилларда ишлаб чиқарилаётган вакцинанинг сомарадорлиги пасайиб кетганлиги тўғрисида амалиёт мутахассислари таъкидлаб келаяптилар.

Бизларнинг тадқиқотларимизда эса синаб кшрилган ценурозга қарши вакцина юқори самара берди. Самарадорлиги 95,6% -ни ташкил қилди, яъни 180 бош эмланган кўзилардан 11 боши касалликка чалинди холос, бу эса юқори кўрсаткичдир.

Шундай қилиб, олиб борилган текширувлар ва адабий маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, охириги 10-15 йил довомида итларнинг цестодлар билан зарарланиши Республикамизда бир меъёда сақланиб келмоқда.

Ценуроз касаллигининг олдини олишда Аминжонов.М.А. ва бошқалар (1991) томонидан яратилган вакцина юқори самадорликка эга.Буни маълумотларининг ўзлари бир неча мартаба ўз тажрибаларида исбот қилишганлар. Бироқ охириги йилларда ишлаб чиқарилаётган вакцинанинг сомарадорлиги пасайиб кетганлиги тўғрисида амалиёт мутахассислари таъкидлаб келаяптилар.

Бизларнинг тадқиқотларимизда эса синаб кшрилган цнурозга қарши вакцина юқори самара берди. Самарадорлиги 95,6% -ни ташкил қилди, яъни 180 боши касалликка чалинди холос, бу эса юқори кўрсаткичдир.

3.4. Цестанли грануланинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Цестанли грануланинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қиёслаш учун асос қилиб фенасал препарати билан гельминтсизлантириш учун танлаб олинди.

Янги цестанли грануланинг иқтисодий самарадорлигини қуйидаги формула билан аниқланади.

$$\mathcal{E}_B = C_1 - C_2$$

I – Итларни гельминтсизлантиришда ги ҳаражатларни эски вариантда (C_1)

1. Гельминтсизлантириш хажми – 100 бош ит.
2. Гельминтсизлантириш миқдори – 8 маротаба
3. Бир гельминтсизлантиришда кетган вақти – 5 кун
4. Гельминтсизлантириш жараёнида қатнашганлар:
 1. Веттехник - 1 нафар
 2. Ишчи -1 нафар ишчи

II.- Итларнинг гельминтсизлантиришдаги ҳаражатлар янги вариантда (C_2)

1. Гельминтсизлантириш хажми – 100 бош итлар.
2. Гельминтсизлантириш миқдори – 6 маротаба.
3. Бир гельминтсизлантиришда кетган вақти – 2 кун.
4. Гельминтсизлантиришда қатнашганлар:
 - Веттехник - 1 нафар
 - Ишчи - 1нафар .

5. Бир бош итни гельминтсизлантириш учун сарфланган цестанли гранула миқдори (30 кг – лик итлар учун) – 6та 1 та цестонли грануланинг баҳоси 25 сўм.

Бир бош итга $6 \times 25 = 150$ сўм харажатларни ҳисоблаш.

1. Меҳнат харажатлари: веттехник $(80000 : 25,4) \times 2 \times 6 = 3779,52$

Ишчи = $(100000 : 25,4) \times 2 \times 6 = 472,4$

1. Цестанли грануланинг харажати: 6×100 бош $\times 6$ маротаба 3600×25 сўм = 90000 сўм

Барчаси : $90000 + 3779,52 + 472,4 = 98503,92$

$98503,92 : 100 = 985,01 = 594,45$ $C_e = C_1 - C_2$

$\mathcal{O}_e = 1579,46 - 985,1 = 594,45$

$\mathcal{O}_e$ - 594,45 сўм.

Шундай қилиб, бир бош итни цестанли гранула билан гельминтсизлантирилса, 594,45 сўмлиги иқтисодий самара беради.

4. ЧОРВАЧИЛЛИКИЛДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МЕНЕЖМЕНТ АСОСЛАРИ

Самарадорлик – иқтисодий категория сифатида.

Самарадолик ҳар бир корхона фаолиятининг энг асосий вазифаси ҳисобланади. У ҳўжалик юритишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, шунингдек, буюмлашган ва жонли меҳнат харажатлари ҳамда олинган натижалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Бозор шароитида «Самарадорлик» тушунчаси, гарчи, даромад олиш, харажатларни камайтириш, меҳнат самарадорлигининг ўсиши, фонд қайтими, рентабеллик ва ҳоказолар самарадорлик табиатига мос келиб, бозор иқтисодиёти талабларига зид келмасада, баҳо, фойда, даромад, харажат каби тушунчаларга ҳаракатда кам қўлланилмоқда. Самарали ишлаш дегани ўз моҳиятига кўра мўлжалланган (режалаштирилган) фойдани олиш ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишларни камайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва ишчи кучидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашни англатади. «Самара» «Самарадорлик» «ижтимоий –иқтисодий самарадорлик» каби тушунчаларнинг орасидаги фарқни англаб олиш зарур.

Самара – бу, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш хизмат) фойда ва даромад ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш ёки умуман йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган корхона фаолиятининг ижобий натижаларидир. Бу ютуқлар натурал шаклда ишлаб чиқариш самарасини пул шаклида эса иқтисодий самарани тавсифлайди.

Самарадорлик, аввало корхона фаолиятининг сифат жиҳатларини тавсифловчи тушунчадир. У «Самара» тоифасидан келиб чиқади ҳамда унга караганда мураккаб ва комплекс тавсифга эга.

Самарадорлик чора сифатида кўплаб техник иқтисодий лойиха ва хўжалик қарорларини аввалдан белгилаб беради. Корхона ўзининг хўжалик илмий техник ва инвестицион сиёсатини белгилашда самарадорликдан келиб чиқади.

Самарадорлик ўз – ўзидан автоматик равишда келмайди. Фан техника тараққиёти, ишлаб чиқариш қувватларига ресурслардан оқилона фойдаланиш, тежамкорликка риоя қилиш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш ва оқилона инвестицион сиёсат самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ва йўналиши бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик тушунчалари.

Самарадорликнинг асосий харажатларини минималлаштириш ва фойдани максималлаштиришдадир. Корхона хўжалик юритишнинг самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлари сифатида меҳнат маҳсудорлигини, фонд қайтимини ва фонд сиғимини материал сиғимини, меҳнат сиғимини, рентабиллик ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин.

Самарадорлик, ўз навбатида, иқтисодий ва ижтимоий – иқтисодий самарадорликка бўлинади. Иқтисодий самарадорликга қараганда бир мунча тормаънони англатади. У қабул қилинаётган қарорларнинг хўжалик юритишда мақсадга мувофиқлагини тавсифлайди. Ҳамда барча ҳолларда самарадорликнинг унга эришиш учун кетган харажатлари (ишлаб чиқариш ресурслари) га нисбати сифатида аниқланади. Харажатлар қанчалик кам бўлса (маҳсулот сифатига таъсир килмаган ҳолда) самара шунчалик ортади, демак, иқтисодий самарадорлик ҳам ортади.

Ижтимоий – иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш самарадорлигини меҳнат шароитларини, унинг ижодкорлик мазмунини бойитиш, ақлий ва ижтимоий меҳнат ўртасидаги фарқни йўқотишни инобатга олган ҳолда тавсифлайди. Ижтимоий – иқтисодий самарадорлик бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш самарадорлигини кучайтириш,

корхонанинг муваффақиятли фаолият юритиши, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва унинг барча қобилиятларидан фойдаланишнинг сабаб ва натижаси ҳисобланади. Бевосита ижтимоий самара ходимларнинг билим намалакаси, тажриба ва маданиятининг ошиши аҳоли соғлигини яхшилаш ва умр кўришнинг узайишида акс этилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ижтимоий самарадорликка нисбатан бирламчи ҳисобланади: иқтисодий ютуқлар корхонанинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга ёрдамлашади. Масалан фойданинг ошиши жамғармаларнинг ортиши корхонага ижтимоий вазафилар доирасини кенгайтириш ва уларни ҳал қилиш имкониятини беради.

Бироқ самарадорлик ва унинг асосий кўрсаткичи – фойда (даромад) ўз – ўзидан юзага келмайди. Турли корхоналарда самарадорликка эришиш учун мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, турли восита ва йўллардан фойдаланилади. Бунда вақт омили, яъни самарадорликка қисқи ёки узок муддатларда эришишини мўлжаллаш, асосий роллардан бирини ўйнайди. Масалан, корхона олаётган фойдасини қисқа вақт мобайнида махсулот сифатини яхшилашни маблағ билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш ва модернизация қилиш, ходимлар малакасини ошириш ажратиладган маблағларни камайтириш йўли билан кўпайтириш мумкин. Узок муддатли режаларда эса бу, фойданинг камайишига ва ҳаттоки корхонанинг бозордаги ўрнини йўқотиши атижасида инқирозга учрашига олиб келиши мумкин.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, самара ва самарадорлик қотиб қолган котегориялар қаторига кирмайди ҳамда фақатгина пул кўринишида ўлчанмайди. Самардорлик ва сифатли меҳнат туфайли корхона биринчидан, ўзининг иқтисодий барқарорлигини ва бозордаги рақобатчиликка бардош беришини таъминлайди, иккинчидан, ўз имиджини яхшилади ва ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлайди, учинчидан, ходимларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини яхшилади. Демак, ишлаб

чиқариш самарадорлиғни ошириш йўллари қидириш, харажат ва натижаларни тўғри солиштириш, мулкчилик шакли, қайси тармоққа тегишлилиги, ҳудудий жойлашиши ва фаолият туридан қатъий назар, ҳар бир корхона учун муҳим вазифа ҳисобланади.

МЕНЕЖМЕНТНИНГ САМАРАДОРЛИК МЕЗОНЛАРИ

Менежмент тизими самарадорлиғини таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳозирги кунгача нафақат қишлоқ хўжалиғи корхоналари, балки барча тармоқдагикорхона ва ташкилотларда ҳам тўлиғича ўз ечимини топмаган ўта мураккаб муаммо бўлиб ҳисобланади. Мазкур муаммони услубий ва амалий ечими бошқарув фаолиятини оқилона ташкил этиш йўллари белгилашига муҳим замин яратади. Аксарият тадқиқотчилар ишлаб чиқаришнинг ривожланишини якуний натижаларига бевосита бошқарувнинг таъсирини аниқлаш лозим деган фикрни илгари сурадилар, чунки жамиятда кўпла омиллар ўзаро алоқадорликда бўлади. Лекин у ёки бу мақсадга эришишда бошқарув самараси улушини ажратиб олиш ўта мураккаблиғича қолмоқда. Ушбу муаммони ечимини топишга олимлар турлича ёндашадилар. Айримлари, бошқарув самарадорлиғи масаласи ечими мавжуд эмас, деган фикрни илгари сурса, бошқалари уни аниқлашда мавжуд услубиётлар (янги техника ёки капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлиғини аниқлаш) дан фойдаланиш мумкин деган қарашларни таъкидламоқда. Учинчилари фақатгина бошқарувнинг қуйи бўғинидаги самарани аниқлаш билан чегараланмоқда. Тўртинчилари миқдорий баҳолаш умуман мумкин эмас деган фикрни билдиришмоқда.

Қишлоқ хўжалигида бошқарув фаолияти маълум ишлаб чиқариш натижаларига эришишга қаратилган, мақсадли йўналтирилган бўлиши лозим. Шу боис ҳам бошқарув органлари ишининг сифати ва уни тўғри баҳолаш ва унга эришиш йўллари аниқ белгилаб олишга боғлиқдир. тўғри ва аниқ қўйилмаган мақсадлар кутилган ишлаб чиқариш самарасини бермайди.

Кенг маънода қишлоқ хўжалигида менежмент самарадорлиги деганда фаолиятнинг якуний натижаси, жамоанинг ҳаракати, чоралар мажмуи яхлитлигини тушуниш мумкин.

Бошқарув ходимлари меҳнати унумли бўлиб, бевосита ишчилар меҳнатига тенг баҳоланади, шу билан бирга сифати жиҳатидан улар меҳнатидан фарқ қилади, чунки, интеллектуал фаолият бўлдиб бевосита тайёр маҳсулотятрмайди. Бошқарув аппарати ходимлари фаолияти ахборотни йиғиш, жамлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва тақдим этиш бўйича меҳнат жараёни сифатида намоён бўлади. Шутарика, мақбул бошқарув қарорларини ишлаб чиқариш ва уларнинг бажарилишини таъминлашга йўналтирилган ахборот жараёнлари бошқарув ходимлари меҳнати предмети бўлиб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида менежмент фаолиятинатижавийлиги, аввало меженментнинг сифат жиҳатларини акс эттирувчи самарадорлик мезонлари ёрдамида баҳоланади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бошқарувнинг тезкорлиги – қарорларни ўз вақтида тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек, теескари алоқадорлик механизмларини яхши йўлга қўйиш;

- бошқарув тизмининг ишончлилиги ахборотни ҳаққонийлиги ва ўз вақтида тақдим этилиши, иш услуби ва қоидаларини илмий – техник тараққиётнинг замонавий даражасига мувофиқлиги, ходимларни тайёргарлик даражаси, иш стажи ва барқарорлиги;

- бажарилаётган вазифалар сифати, техника воситалари билан таъминланганлиги;

- бошқарув тизимининг мақбуллиги – қарорларни қабул қилишда мақбул услубларни қўллаш даражаси, поғонавийликка (иерархия) асосланганлиги, шунингдек, муайян шароитда бошқарувни марказлашганлиги ва марказлашмаганлиги, бошқарув меъёрлари ва ҳоказолардир.

Қайд этилган мезонлар қишлоқ хўжалигида менежмент тизими самарадорлигининг маълум жиҳатларини тавсифлаш билан бирга, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш омиллари сифатида намоён бўлади. Шунинг учун уларни қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш молиявий фаолиятининг якуни кўрсаткичлари билан узвий алоқадорликда кўриб ўтиш жоиз. Шу билан бир қаторда, менежмент самарадорлигини баҳолаш ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳисобга олиш орқали ўзининг мустақил йўналишига эга бўлиши лозим.

Менежмент тизими самарадорлигини хўжалик фаолиятининг якуний натижалари ёрдамида аниқлаш, менежмент жараёни ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятининг ажралмас қисми бўлгалиги бои мураккаблик келтириб чиқаради. Шунинг учун унинг натижалари бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш самарадорлигининг бир қатор омиллари таҳсири билан боғланиб кетади. Шу боис, кўриб ўтилаётган мезон бўйича менежмент самарадорлигини баҳолаш, ишлаб чиқаришининг муайян шароитларида хўжаликни қатор кўрсаткичлар бўйича таққослаш имконини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Менежмент объектини таққосланишини таъминлаш учун кўрсаткичлар орасидан ишлаб чиқаришини объектик иқтисодий шароитларини тавсифлаб берадиганини ажратиб олиш лозим. Мазкур шароитларни тенг таъсири, шу билан бирга, якуний кўрсаткичлар ўртасидаги фарқларни аниқлаш орқали, боғқариш тизимлари самарадорлигини баҳолаш мумкин.

Қишлоқ хўжалигида менежмент самарадорлигини баҳолашни ишлаб чиқариш самарадорлиги ва бошқариш шароитларини тавсифлаб берувчи кўрсаткичлар алоқадорлигини маълум даражада акс эттирувчи алоҳида мезонлар бўйича ҳам амалга ошириш лозим. Менежмент самарадорлигининг асосий мезонларига бошқарув меҳнати натижавийлигини ёки унумдорлиги ва бошқарув апарти режаллигини кўриш мумкин. Бошқарув ходимлари меҳнат унумдорлигини аниқлашнинг ўзига хос томонлари бевосита аниқлаш

имконини бўлмаган бошқарув фаолиятининг ўзига хослиги билан боғлиқ. Демак, меҳнатни тўғридан – тўғри баҳолаш мумкин бўлган бошқарув ходимларининг индивидуал унудомлик кўрсаткичларини ҳисоблаш мумкин. Бошқарув ходимлари учун ушбу усул билан айрим турдаги ишлар унудморлигини ҳисоблаш мумкин.

Чорвачилик тармоқлари ҳақида тушунча.

Чорвачилик системасини яхшилаш подани такрор ишлаб чиқариш, наслчилик, озик, ветеринария хизматларини ташкил этишга боғлиқ. Чорвачиликнинг қуйидаги системалари ҳайвонлар йил мобайнида молхонада бошқиб, молхона – яйлов ва яйлов формаси мавжуд. Ҳайвонлар боғланиб ва боғланмай боқилади.

Қорамолчилик чорвачиликда асосий тармоқ бўлиб, кишилар учун озик овқат (гўшт, сут, ёғ, пишлок, қатик, сузма) маҳсулотлари етказиб беради. Инсон томнидан истеъмол қилинадиган маҳсулотлар рақамда 400 ни қорамол маҳсулоти ташкил этади. Мева – чева нормалари ортиб,, одам нормал ривожланиши учун йилига 405 кг сут маҳсулотлари шу жумладан, 128 кг сут, 18 кг ёғи олинган сут, 9,1 кг сузма, 6,6 кг пишлок, 6,6 кг қаймоқ ва 5,5 кг сарти истеъмол қилиш керак. Жон бошига 82 кг гўшт, 36 кг мол гўшти истеъмол қилиниши лозим.

Бир қорамолдан энг юқори маҳсулот олиш 4 % ни ташкил этади. 5000 - 9000 кг сут олиш мумкин. Ўртача бир сигирдан суткасига 25 – 40 кг сут соғиб олиш мумкин. Чорвачиликдаги тайёрланган гўштнинг 43 %, сутнинг 98,5 % қорамолдан олинади.

Чўчқачилик аҳолига гўшт, ёғ, тери берадиган қорамолдан кейинги ўринни эгаллайди. Чўчқа сергўшт, у 9 – 10 ойда семиради. Чўчқа йилига икки марта болалаб, 18 – 24 бола бериши мумкин. Чўчқани 7 – 8 ой боқилганда унинг оғирлиги 100 – 110 кг га боради. Бир она чўчқа йил давомида 2 – 2,5 тонна тирик вазнда гўшт бериши мумкин. Қорамолнинг тирик вазнининг 55 – 65 фоизи гўшт чиқса, чўчқада 70 – 80 % ни ташкил этади.

Республикада 120 та қорамолчиликка ихтисосланган хўжаликнинг 18 таси наслчилик заводлари, 9 таси наслчилик хўжаликларидир. Наслчилик заводлари турли рангдаги қўйларни кўпайтириш ва қоракўл тери етиштиришни йўлга қўймоқда. Қўйларнинг гўштдор – сержун зоти ярим майин жун ва гўшти учун боқилади.

Қўйчилик қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга. Аҳоли учун, саноат учун хом ашё (жун, тери, қоракўл тери) етказиб беради. Қўйнинг асосий маҳсулоти жундир. Шунинг учун жун етиштиришнинг 98 фоизи қўйчиликка тўғри келади.

Тивитли ва ярим тивитли қўй жуни енгил саноат учун энг қимматбаҳо хом ашёдир. Ундан жунли кийин – кечак олинади. Қоракўл териси энг қиммат ашё бўлиб, ундан пальто, пўстин ва бошқалар олинади.

Парранда – аҳоли учун фойдали озиқ овқат ҳисобланади. Ундан тухум ва гўшт олинади. Паррандачиликда патли ёстик ва кўрпа тайёрланади. Парранда маҳсулоти етиштириш учун товук , хўроз, ғоз, ўрдак, индюк ва бошқалар боқилади. Тухум энг калорияли маҳсулот бўлиб, уни таркибида оксил витамин ва мойлар мавжуд. Парранда тез кўпаяувчи бўлиб, 6 – 7 ойдан сўнг тухум бера бошлайди. Бир товукдан бир йилда 300 тача тухум олинади.

Пиллачилик - қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлиб, ундан қимматбаҳо ипак толаси оланид. Мустақилликдан кейин пила етиштириш давлат бюртмасидан чиқарилиб, уни сотиш эркин келишилган нархларда олиб борилади. Ҳар йили Республикамизда 30 минг тонна атрофида пила етиштирилади.

